



Ислом Нури

Агар банда { $\text{أَشْفَقْتُ عَلَىٰ مَنِيٍّ مِّنْهُ لَوْلَا أَنَّ مَنِيًّا مِّنْهُ لَمْ يَكُنْ} \text{}$ } «жазо (Қиёмат) Кунининг эгаси — подшоҳи» деса, Аллоҳ таоло: «Бандам Мени улуғлади» дейди.

Агар банда { $\text{أَشْفَقْتُ عَلَىٰ مَنِيٍّ مِّنْهُ لَوْلَا أَنَّ مَنِيًّا مِّنْهُ لَمْ يَكُنْ} \text{}$ } «Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз» деса, Аллоҳ «Бу Мен билан бандам ўртасида, бандам учун сўраган нарсасидир» дейди.

Агар банда { $\text{أَشْفَقْتُ عَلَىٰ مَنِيٍّ مِّنْهُ لَوْلَا أَنَّ مَنِيًّا مِّنْهُ لَمْ يَكُنْ} \text{}$ } « Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш — Тўғри йўлга йўллагайсан» деса, Аллоҳ «Бу бандам учун, бандамга сўраган нарсасидир», дейди (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Фотиҳа сураси Қуръондаги энг улуғ сура бўлиб, у такрорланувчи еттилик - яъни, намознинг ҳар бир ракъатида такрор ўқилувчи етти оятлик сурадир. Унда Аллоҳга ҳамду-сано айтиш, Ундан ёрдам сўраш, Уни ёлғиз билиш, Ундан ҳидоят сўраш маънолари жамланган. Бу эса дин маъносининг ҳаммасидир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Фотиҳа сурасининг фазли;
2. У Қуръондаги энг улуғ сура экани;
3. Уни намозда ўқиш катта ажру-мукофотга сазовор қилади.